Published on *Insonvaqonun.uz* (http://m.insonvaqonun.uz)



---

31.07.2019




**Президент Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонни имзолади (ПФ-5775, 30.07.2019 й.)**

Фармон билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Миллий комиссия Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича ҳамда Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиялардан иборат.

Кичик комиссияларга тегишлилиги бўйича Миллий комиссия раиси ўринбосарлари ҳисобланган ички ишлар вазири ва бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири раҳбарлик қилади.

Давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш Миллий комиссиянинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияларга раҳбарлик қилади.

Фармон билан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институти таъсис этилди.

Миллий маърузачи одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги вазият ҳақида Президентга ҳар йили ахборот тақдим этади.

Ҳужжат ҳақидаги тўлиқ маълумот билан www.lex.uz [1] сайти орқали танишиш мумкин.
233 Чоп этиш [2] PDF [3]

## Сўнгги янгиликлар:

- 2019 йил 41 сонида... [4]
- Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс лойиҳаси тақдим этилди [5]
- Кредит маблағи ажаратилди [6]
- 2019 йил 38 сонда ўқинг... [7]
- “SAXOVAT” да медиа тур [8]
- 2019 йил 37 сонида... [9]
- Тўй-ҳашамларни тартибга солиш бўйича қатъий қарор қабул қилинди [10]
- “Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлов ғолиблари тақдирланди [11]
- 2019 йил 36 сонида... [12]
- Халқаро мусобақада 2-ўринни қўлга киритган разведкачиларимиз тантанали кутиб олинди [13]

---

**Source URL:** http://m.insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4930

**Ссылки**
[1] http://www.lex.uz
[2] http://m.insonvaqonun.uz/print/4930
[3] http://m.insonvaqonun.uz/printpdf/4930
[4] http://m.insonvaqonun.uz/node/5043
[5] http://m.insonvaqonun.uz/node/5042
[6] http://m.insonvaqonun.uz/node/5041
[7] http://m.insonvaqonun.uz/node/5033
[8] http://m.insonvaqonun.uz/node/5031
[9] http://m.insonvaqonun.uz/node/5028
[10] http://m.insonvaqonun.uz/node/5025
[11] http://m.insonvaqonun.uz/node/5022
[12] http://m.insonvaqonun.uz/node/5018
[13] http://m.insonvaqonun.uz/node/5017